“Ўзбекистон республика валюта биржаси”
акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

Жамиятнинг номи:	“Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти (ЎзРВБ).
Жойлашуви (почта манзили):	Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4 уй.
Електрон почта манзили:	info@uzrvb.uz
Расмий веб-сайт:	www.uzrvb.uz

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ (ЎзРВБ) акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **2024 йил 26 июнь куни соат 15-00 да,** Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4-уйда ўзи борган ҳолда ёки видеоконференцалоқа режимида “ZOOM” платформасида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: **2024 йил 3 июнь.**

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: **2024 йил 20 июнь.**

Акциядорлар **2024 йил 26 июнь куни соат 14-00 дан 14-40 гача** рўйхатга олинади.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. ЎзРВБ саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

3. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти якунлари бўйича (шу жумладан, ЎзРВБ стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги) ҳисоботини эшитиш.

4. ЎзРВБ томонидан хайрия (ҳомийлик) ва бошқа холис кўмак кўрсатилишининг юқори чегарасини белгилаш.

5. ЎзРВБда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

6. ЎзРВБнинг 2023 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

7. ЎзРВБнинг 2023 йил якунларига кўра соф фойдасини тақсимлаш.

8. ЎзРВБнинг 2024 – 2028 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.

9. ЎзРВБда 2024 йил учун мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини аниқлаш ва у билан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

10. “ЎзРВБ” АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳририни тасдиқлаш.

11. “ЎзРВБ” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “ЎзРВБ” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

Шунингдек, ЎзРВБ акциядорларига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) акциядорларга уларнинг электрон почталари орқали билдиришнома (хат) билан юборилади.

Қўшимча маълумот олиш учун: +998 55 501-33-02
Расмий веб-сайт: www.uzrvb.uz
Электрон почта манзили: info@uzrvb.uz

ЎзРВБ Кузатув Кенгаши